Ушбу сонда:

2 *«Ишонч» фош этади* ТЎСИҚ

3 БАЙРАМ ҚУВОНЧЛАРИ

4 *Шукрона* ОЗОДЛИКДА ЁШАРДИК, БЎТАМ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ ВАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 15 август, чоршанба № 126 (1140)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«РЕМСЕРВИС» МАҲСУЛОТИ

сифати ҳатто чет эллик экспертларни лол қолдирди

Шаҳар ва қишлоқларимиз майдонлари, йўлкаларида иссиқ иқлимга мўлжалланмаган ва кўриниши ҳам унчалик яхши бўлмаган асфалт ўрнига турли шакл ва ҳажмдаги Рига ҳамда Санкт-Петербург шаҳарлари кўчаларини безаб турган материалга ўхшаш безак плиталар пайдо бўлмоқда. Бундай плиталар пойтахтимиздаги «Ремсервис» масъулияти чекланган жамиятда ишлаб чиқарилмоқда. Унга транспортчи маълумотига эга 28 ёшли тадбиркор Пётр Романов бошчилик қилаяпти.

Мазкур фирма уч йил муққадам ташкил этилганига қарамай, дунёнинг 100 дан ошиқ корхонаси билан алоқаларни йўлга қўйди. Бунга асосан фирма раҳбарининг ихтироси учун берилган патент воситасида эришилди. Ёш тадбиркор плиталарни ярим қуруқ ҳолда пресслаб тайёрлаш усулини ўйлаб топди. Бу ерда тайёрланган маҳсулот сифати чет эллик, шу жумладан австриялик экспертларни ҳам лол қолдирди. Эндигина ётқизилган плитали йўл устидан кўп тоннали оғир ғалтак машинаси юргизиб кўрилганида, битта ҳам плита ёрилмади ва дастлабки шаклини сақлаб қолди. Шунда Пётр Романовга рақобатда сизга тенг келиб бўлмайди, дейишди.

Маҳаллий маҳсулотнинг сифатига берилган баҳо фирмага ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун Европа тараққиёт банкидан 600 минг доллар миқдорида кредит олиш имконини берди. Бундан ташқари, «Ремсервис» масъулияти чекланган жамият «Ўзмашсаноат» уюшмаси ҳудудида жойлашгани боис уюшма мазкур кредитнинг гаров таъминотини кафолатлади. Чунки, уюшмадагилар ўз ҳамкорларига ишонади, улар эришган муваффақият учун қувониб, жамоа келажагига умид билан қарайди. Фирма раҳбари эса эгнидаги оқ кўйлак ва галстукка қарамасдан, дарҳол ҳар қандай механизмни тузатиш, носозликни бартараф этишга киришиб кетадиганлар тоифасидан.

Дастлабки фаолият ишлаб чиқариш ускуналарининг баъзи бир ишдан чиққан техник қурилма ва эҳтиёт қисмларини йиғишдан бошланган эди. Бугунги кунда «Ремсервис»да меҳнат қилаётган ходимлар ўз ишларини такомиллаштириб, янги муваффақиятларга эришиш учун астойдил меҳнат қилишга тайёр.

(ЎзА).

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ЎЗ ҒАЛАБАСИНИ ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАДИ

Тошкентдаги «Ўзкўргазмасавдо» ярмарка савдо марказида эркин ва юнон-рум кураши бўйича IX жаҳон чемпионати якунланди. Мустақил юртимизда илк маротаба ўтказилган ушбу биринчиликда беш қитъанинг 52 мамлакатидан келган беш юздан зиёд спортчи иштирок этди.

Мусобақа қизғин курашларга бой бўлди. Айниқса, ёш бўлишига қарамай ўз мамлакатида ном қозониб улгурган курашчилар иштирокидаги беллашувлар чемпионатга ўзгача тус бағишлади.

Эркин кураш бўйича истеъдодли полвонимиз Дилшод Мансуров билан грузиялик Бесарион Гочашвилининг финалдаги учрашуви чемпионатнинг энг чиройли баҳсларидан бири бўлди. Беллашувда Дилшод Мансуров ўзидан бироз барвастароқ рақибини даст кўтариб гиламга ташлаганда, мусобақа ўтказилаётган кошона мухлислар ҳайқиригидан ларзага келди. Полвонимиз йиқилган рақибини қўлдан чиқармай, аввал чапга, кейин ўнг томонга айлантириб, очколарини ошира борди. Ниҳоят, грузиялик спортчида ғалаба учун ҳеч бир имконият қолмагач, ҳакам беллашувни тўхтатди. Дилшод Мансуров финал баҳсини муддатидан олдин тугатиб, рақибини 10:0 ҳисобида мағлуб этди.

- Мен Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасидаги бу ғалабам билан бутун юртдошларимни хурсанд қилганимдан жуда бахтиёрман, - дейди Дилшод Мансуров беллашувдан сўнг. - Жаҳон чемпионатидаги муваффақиятимни истиқлолимиз байрамига бағишладим.

Ўзбекистон терма жамоасининг биринчи олтин медали мана шундай чиройли тарзда қўлга киритилди. Лекин яна икки финалчимиз - Музаффар Абдураҳмонов ва Магомед Ибрагимовга эса жаҳон чемпионатининг кумуш медаллари насиб этди.

Ҳамюртимиз Д.Мансуровдан ташқари эркин кураш бўйича ўз вазн тоифаларида ҳиндистонлик Р.Кумар ва Ч.Палвиндер, грузиялик А.Элбакидзе ва Ш.Музиашвили, россиялик С.Витковский ва Ҳ.Гацалов, қирғизистонлик У.Нодирбек ўғли ҳамда эронлик М.Халиғифор жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Эркин курашда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида Россия, Эрон ва Грузиядан кейин тўртинчи ўринни эгаллади.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ҚАД РОСТЛАДИ

Навоийликлар улкан шодиёналар тадорики билан яшамоқда. Буюк мутафаккир ва шоир номидаги янги боғда, айниқса иш қизғин. Боққа Алишер Навоий ҳайкалини ўрнатиш унутилмас воқеага айланди.

- Ниҳоят тобора чирой очаётган боғда улуғ шоир ҳайкали қад ростлади,- дейди ҳайкалтарош А.Раҳматуллаев. - Миллатимиз ифтихори сиймосини меъмор Баҳром Абдуллаев ҳамда ҳамкасб дўстим Павел Подосипников билан ҳамкорликда яратдик.

Улуғвор супага Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди. Шундан сўнг ҳайкалтарошу меъморлар, курувчилар иштирокида тантанали маросим бўлди. Вилоят ҳокими Ғ.Дилов йиғилганларни самимий табриклаб, боғда меҳнат қилаётган қўли гул курувчиларга, ҳайкалтарошларга миннатдорлик билдирди, эсдалик совғалари топширди.

ПАРВОЗ ХАВФСИЗЛИГИГА КАФОЛАТ

Бухоро аэропортида халқаро андозалар асосида назорат- диспетчерлик пункти қурилмоқда. Унинг вазифаси - ҳаводаги самолётлар билан доимо алоқада бўлиш, парвоз хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Пункт Бухородан кўтарилган ва вилоят ҳаво чегараси орқали ўтган барча самолётни у қўнадиган энг олис манзилгача назорат қила олади. Ҳозирда ҳам шундай хизмат бор. Лекин янгисининг афзалликлари кўп. Италия, Россиядаги машҳур фирма ҳамда корхоналарда тайёрланган ускуналар билан жиҳозланаётган пункт алоқа сифати, ахборотларни аниқ ва тез етказиб бериши билан ажралиб туради.

Замонавий назорат-диспетчерлик пункти мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик байрами арафасида ишга туширилади. Ҳозир бу ерда россиялик мутахассислар сўнгги йиғиш-созлаш ишларини бажаряпти.

OLAMDA

ЯНА БИР ТЎҚНАШУВ

Ўтган кечаси Исроил танклари Фаластиннинг Иордан дарёси ғарбий қирғоғидаги Женин шаҳрига бостириб кирди. «17-отряд» деб аталмиш гвардия постлари ва полиция маҳкамаси ўққа тутилди. Ҳаммаси бўлиб шаҳарга 40дан ошиқ танк ва юзлаб аскарлар кирган. Фаластинликлар

билан тўқнашув юз берган. Аҳоли ўртасида жароҳат олганлар бор. Орадан бир неча соат ўтиб, Исроил танклари шаҳарни тарк этишган. Исроил армиясининг ушбу ҳаракати олдиндан режалаштирилган-режалаштирилмаганлиги ноаниқлигича қолмоқда.

САЙЛОВОЛДИ МАШМАШАЛАРИ

Сентябр ойида Белорусда бўлиб ўтадиган президентлик сайловларига турли сиёсий партиялар ўз номзодларини кўрсата бошлашди. Ушбу мамлакат Марказий сайлов комиссияси раиси Лидия Ермошинанинг таъкидлашича, ҳозирча тўрт нафар киши, жумладан амалдаги президент Александр Лукашенко президентликка номзод сифатида рўйхатга олиниши мумкин.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Македония ҳукумати раҳбарияти ва албанларнинг икки етакчи партияси ниҳоят тинчлик битимини имзолашди. Битимга мувофиқ, албан тили ҳам давлат мақомига эришади. Бундан ташқари албанларга бир неча қўшимча ҳуқуқлар берилади. Албан Милрасмий озодлик армиясининг обрўли шахсларидан бири, дала командири Шпатининг айтишича, битимдаги шартлар амалга оширилмагунча, озодлик армияси қуролсизлантирилмайди.

АЙБИГА ИҚРОР БЎЛМАЯПТИ

«Московский комсомолец» газетаси мухбири Дмитрий Холодов ўлими билан боғлиқ суд иши Москва округ ҳарбий судида яна ўз ишини давом эттиради. Суд Холодовнинг отаси илтимоси билан 16 июлдан танаффусга чиққан эди. Прокуратура Дмитрий Холодовнинг ўлимида 6 нафар кишини айбламоқда. Лекин уларнинг бирортаси ҳам айбларига иқрор бўлишмаяпти. Мазкур иш 2000 йил 9 ноябрдан бери давом этаяпти.

(Интернет хабарларидан).

NIMA GAP

Ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни катта шодиёна - мустақилликнинг 10 йиллик байрамига яқинлаштирмоқда. Қорақалпоғистонликлар халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқарган бу қутлуғ кунни муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўряпти.

МУНОСИБ ТУҲФА

Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, янги-янги маданий-маиший бинолар, саноат ишлаб чиқариш иншоотлари ишга туширилмоқда.

Нукус шаҳридаги «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғида турли тадбирлар, байрам тантаналарини ўтказишга мўлжаллаб қурилаётган амфитеатр ана шундай иншоотлардан. Умумий нархи 360 миллион сўм бўлган амфитеатрни «Қорақалпоқфуқарақурилиши» акционерлик жамияти қурувчилари бунёд этяпти. Бу ерда 200 дан ортиқ киши меҳнат қилиб, сўнгги пардозлаш ишларини бажармоқда.

АДОЛАТНИНГ ДАДИЛ ҚАДАМИ

Демократик давлат барпо этишнинг асосий шартларидан бири амалдаги қонунлар талабини тўлиқ бажариш, инсон ҳуқукларини бекаму кўст таъминлашдир. Шу нуқтаи назардан фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро суди В.Панаевнинг меҳнат ҳуқукларини тиклаш юзасидан қабул қилган ҳал қилувчи қарори ва Самарқанд вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди судлов ҳайъатининг аппеляция шикояти бўйича чиқарган ажрими диққатга сазовордир. Суд идоралари даъво аризасига ҳам, аппеляция шикоятида келтирилган важларга ҳам қонун нуқтаи назаридан холисона баҳо бергани жуда муҳимдир.

Энди баъзи тафсилотларга тўхталиб, мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз. Мақсад бировни қоралаб, бировни ёқлаш эмас, балки юртдошларимизда қонун талабларига риоя этиш эҳтиёжини шакллантиришга кўмаклашишдир.

Ишга боғлиқ ҳолатда жароҳатланиб, ногирон бўлиб қолган Воҳид Панаев меҳнат таътилига чиқади. Ҳудди шу пайтда, яъни 1994 йилнинг 16 майида Тойлоқ туман кооператив тайёрлов ва савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси О.Жўраев ўз фармойиши билан уни ишдан бўшатади. Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг аралашувидан сўнг О.Жўраев хатосини англагандек бўлди. Лекин у В.Панаевни ўзининг аввалги иши бозор директорлигига эмас, балки директор ўринбосарлигига тайинлаб, О.Жўраев ўз хатосини тўғрилаш ўрнига яна бир марта қонунбузарликка йўл қўяди. Шундан сўнг бошқа иложи қолмаган жабрланувчи касаба уюшмалари ёрдамида судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Ажабланарлиси шундаки, унинг меҳнат ҳуқуқлари поймол қилингани очиқ-ойдин кўриниб турган бўлса-да, дастлабки суд жараёнларида даъво рад этилаверади. Масалан, ўша суд мажлисларида жавобгар О.Жўраев меҳнат шартномасини бекор қилишда қонун талаби бузилганини тан олиб, В.Панаевни ишга қайта тиклашини билдириб, расман хат берган бўлса-да, негадир судда даъво қаноатлантирилмай қолаверган. Туман судининг қарори вилоят судида тасдиқланмай қайта кўриш учун юборилаверган. Шу тариқа орадан 6-

Касаба уюшма ёрдамга келди

7 йил ўтиб кетди. Тойлоқ туман, Самарқанд шаҳар ва вилоят судларида бу ишдан хабардор бўлмаган киши қолмади ҳисоб. Ниҳоят, ўтган йилнинг 17 мартида Тойлоқ туман судининг Х.Насимова раислигида ўтган мажлисида даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш тўғрисида илк бор адолатли қарор чиқарилди. Бу ҳақиқатни юзага чиқариш учун қўйилган биринчи дадил қадам эди. Чунки ана шу суд мажлисида барча даъво далиллари асослаб берилди. Боз устига О.Жўраев ўзида сақлаб юрган меҳнат дафтарчасини судга тақдим этди. Суд даъвогарга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақида ҳам қарор чиқариб, мажбурият «Жумабозор» деҳқон бозори маъмурияти зиммасига юклатилди. В.Панаевни ишга тиклаш рад этилди. Чунки бу пайтда у ногиронлик нафақасига чиққан эди.

— Жавобгар томонлар — Жумабозор деҳқон бозори маъмурияти ва вилоят бозорлар уюшмаси раҳбарияти суд қарорини ижро этишни узоқ вақт пайсалга солиб юришди, — дейди нафақахўр биз билан суҳбатда. — Зарарнинг бир қисмини тўлашди-ю қолган қисмини тўлашга келганда турли баҳоналарни рўкач қилишаверди. Ҳатто соғлиғимга етказилган зарар учун ойма-ой тўланадиган товон пулини ўз вақтида беришмаяпти.

Аҳвол шундай давом этавергач, у яна судга мурожаат қилди. Фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро суди (судъя С.Аъзамова) унинг даъвосини қаноатлантирди. Аммо жавобгар томон бундан норози бўлиб, вилоят судига аппеляция шикояти киритди. Самарқанд вилоят фуқаролик ишлари бўйича судининг Ш.Музаффаров, Ш.Султонова, З.Жўраевдан иборат таркибдаги судлов ҳайъати ишни атрофлича ўрганиб, узил-кесил ажрим чиқарди. Ушбу меҳнат низосининг келиб чиқишида ва ҳал этилмай келинаётганида асосий айбдор бўлган Олим Жўраев зиммасига тўлиқ жавобгарлик юклатилди. Ва, ниҳоят, унинг ҳисобидан даъвогарга етказилган зарар ундириб бериладиган бўлди. Энди ҳамма гап суд қарорининг бенуқсон ижро этилишига боғлиқ бўлиб турибди.

Адолат қарор топганини эътироф этган ҳолда, мақолани якунласак ҳам бўларди. Лекин ҳали баъзи муҳим гаплар бор. Хусусан, Жумабозор деҳқон бозори маъмурияти (директори З.Нажмиев) В.Панаевнинг соғлиғига етказилган зарар учун белгиланган товон пулини ойма-ой тўламаяпти. Вилоят бозорлар уюшмаси раиси Ўткир Ҳусаинов эса қонун талабини амалда ижро этишни таъминлаш ўрнига, З.Нажмиевга кўрсатма бераётганини таъкидлашдан нарига ўтмаяпти. Бунақа иш услуби билан ушбу меҳнат низосига чек қўйиб бўладими?

Хуллас, бизнингча нима бўлгандаям, етти йиллик баҳсга сабаб бўлган низога адолатли якун ясалса айни муддао бўларди.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

СУД ЯКУНЛАНДИ

Фарғона вилояти судида мамлакатимиз конституциявий тузумига тажовуз қилиш ҳамда жамоат хавфсизлиги ва тартибига қарши бошқа бир қанча жиноятларда айбланаётган бир гуруҳ шахслар устидан бошланган суд якунланди.

Фарғона ва Андижон вилоятларида яшовчи 6 киши «қора курси»дан жой олди. Улар узоқ вақт мобайнида халқаро террорчи тўдаларнинг дала қўмондонлари, жумладан Жумабой Хожиев ва Тоҳир Йўлдошев билан тил бириктириб, Фарғона водийсида яшовчи ёшларни ёллаш, Тожикистон Республикасининг тоғли ҳудудларида жойлашган Жирғатол ва Хоит қишлоқларига, террорчилар тайёрлаш лагерларига жўнатиш билан шуғулланган. Суд тергови давомида уюшган жиноий гуруҳнинг 15 нафар ёш йигитни жангарилар лагерига жўнатишга алоқадорлиги исботланди. Уларнинг ҳар бири учун 100-200 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти олинган.

Жиноят ишида кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг бирига кўра, жиноий гуруҳ аъзолари маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини ўлдириш билан боғлиқ ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун жиноий жазодан қочиб юрган Р.Охунов ва А.Йўлдошевни (1999 йил Боткен воқеалари вақтида ўлдирилган) 1997 йили Тожикистонга ўтказиб юборган.

Суд ҳукмига кўра, тўда раҳбари М.Холиқназаров ҳамда 1995-1997 йилларда Афғонистондаги террорчилик лагерларида махсус тайёргарликни ўтаган А.Исмоиловга мол-мулки мусодара қилиниб, 18 йил қамоқ жазоси тайинланди. Қолган жиноятчилар ҳам жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ шарти билан узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

(ЎзА).

Фарғонадаги «Истиқлол» теннис мажмуасида теннис бўйича Ўзбекистон кубоги беллашувларининг учинчи саралаш босқичи якунланди.

Кучлилар сараланди

Унда иккинчи босқич саралаш беллашувларининг ғолиблари - Бухоро ва Фарғона вилояти ракеткачилари учрашди. Фарғоналик теннисчилар бухороликларнинг кучли қаршилигига дуч келди. Ғоят қизиқарли ва муросасиз баҳсларнинг якка беллашувларида дуранг натижа қайд этилган бўлса, жуфтлик баҳсларида фарғоналикларнинг қўли баланд келди. Ўйин тақдирини 3-1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этган мезбонлар кубок беллашувларининг кейинги босқичига йўлланма олди.

(ЎзА).

Энг яхши тадбиркорларимиз

Менда пиллани қайта ишлайдиган кичик корхона очиш фикри бундан 6 йил муқаддам пайдо бўлганди. Бунга Президентимизнинг: «Саноатни қишлоққа олиб кириш керак. Қишлоқ жойларда маҳсулотни қайта ишлайдиган кичик корхоналарни кўпайтириш зарур» деган сўзлари мададкор бўлди.

ҲУВИЛЛАГАН САРОЙ ЎРНИДА ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

Бу соҳада анчагина тажрибам бор. Чунки кўп йиллар давомида Урганч шаҳридаги пилла уруғчилиги корхонасида ишлаганман. Қишлоғимиз йигит-қизлари ҳам шаҳардаги пиллакашлик фабрикасида тажриба орттиришган. Кейинги йиллардаги иқтисодий муаммолар сабабли баъзи қизлар ишсиз қолишди. Шу мулоҳазалар билан ўтган йили Урганч туман ҳокимининг қарорига асосан «Ипак» ишлаб чиқариш савдо ва тижорат хусусий корхонасини қуришга киришдик. Корхона учун «Дўрман» ширкат хўжалигининг эски автомобил саройи биносини сотиб олдик. Қурилиш ишлари жуда тез ва қисқа фурсатда ниҳоясига етказилди. Ғаллабанкдан 5 миллион сўм кредит олдик. Етмаганига эса ўзимизнинг шахсий жамғармамиздан фойдаландик. Пиллани қайта ишлайдиган ва ипак тола ўрайдиган иккита дастгоҳни «Тошқишлоқмаш» корхонасидан харид қилдик. 2000 йил 1 июл куни дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унга мутахассислар юқори баҳо беришди.

Энг асосийси, янги корхона туфайли қишлоғимизнинг 40 нафарга яқин йигит ва қизлари муқим иш билан таъминланди.

Ишни бир сменада ташкил этганмиз. Ойлик маош ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ҳажми ва сифатига қараб тўланмоқда. Ўртача иш ҳақи 15 минг сўм. Оладиган фойдамиз ҳамда маҳсулотимизнинг сотилишига қараб маошни ошириб бораяпмиз. Яхши ишлаганларга мукофот берамиз. Тўй-маърака қилмоқчи ёинки иморат қурмоқчи бўлганларга ёки соғлиғини тиклаётганларга моддий мадад кўрсатилади. Шунингдек, шу ернинг ўзида ҳар куни корхона ҳисобидан иссиқ овқат тайёрланади.

Биз хом ашёни вилоятимиздаги пилла заводларидан оламиз. Ҳозир кунига 50-60 килограмм пиллани қайта ишлаяпмиз. Агар корхонамиз тўла қувват билан ишга тушса, бу кўрсаткич 80 килограммга етказилади.

Айни пайтда маҳсулотимизни республикамиздаги атлас ишлаб чиқарувчи фабрикаларга сотаяпмиз. Ҳар ойда ўртача 200-250 минг сўм даромад қилаяпмиз.

Мақсадимиз яқин йилларда жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулот — ипак тола ишлаб чиқариб, хорижий давлатларга сотишдир.

Каримбой АБДУЛЛАЕВ,
Урганч тумани «Ипак» ишлаб чиқариш савдо ва тижорат хусусий корхонаси раҳбари.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Қашқадарёда ҳам меҳнаткашларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, билим ва тафаккури равнақига шароит яратиб бериш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

ИҚТИДОР

Вилоят фан ва техника маркази раҳбари, доцент Йўлдош Бобожонов иқтидорли олим. 1995 йил июл ойида ташкил топган бу марказ вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қатор илмий-техникавий лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатяпти. Ҳозирги пайтда вилоятда Қарши Давлат университети, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти, 24 та коллеж, 2 та академик лицей, 19 та касб-ҳунар мактаб мавжуд бўлиб, уларда 30 нафардан ортиқ фан докторлари, 300 га яқин фан номзодлари ёш авлодга таълим бермоқда.

Кейинги уч йил ичида биргина Қарши Давлат университети олимлари 15 дан ортиқ долзарб ва муҳим йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориб, 30 миллион сўмликдан ортиқ хўжалик шартномалари бажарилишига ҳисса қўшдилар.

Дорилфунун 1992-2000 йилларда Европа Иттифоқининг ТЕМПУС-ТАСИС лойиҳасида иштирок этиш учун грант олди. Олийгоҳда Россия, Қозоғистон, Литва, Қирғизистон, Беларусь, Украина, Туркманистон, Туркия, Озарбайжон олий ўқув юртлари билан биргаликда 16 марта илмий амалий анжуман ўтказилди. Мустақиллик йилларида университет олимлари томонидан 30 дан ортиқ дарслик, 35 та монография, 250 дан зиёд қўлланма ва дастурлар нашр этилди.

— Охирги уч йилда талабаларимиздан 19 нафари «Умид» жамғармаси танловларида қатнашиб, улардан 3 нафари грант совриндорлари бўлдилар ва ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларида таълим олиб келдилар, — дейди дорилфунун талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси Шариф Бобожонов.

Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти фаолияти ҳақида ҳам илиқ сўзларни айтиш мумкин. Институт Германиядаги Гамбург-Харбург техника университети, Нидерландиядаги Твенте университети, Тошкент Давлат техника дорилфунуни билан Европа Иттифоқининг ТЕМПУС-ТАСИС дастури доирасида «Ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида магистрлик курслари ишлаб чиқиш учун ўқитувчилар тайёрлаш» мавзуида халқаро лойиҳа асосида иш олиб бораяпти. Энг муҳими, олийгоҳда ташкил этилган янги компьютер маркази интернетга уланди.

Шуниси эътиборлики, олимлар ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Муҳандислик иқтисодиёти институтининг 4 нафар ўқитувчиси «Евразия» жамғармаси доирасида қишлоқ хўжалик ахборотларини тарқатиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларда қатнашмоқда. Вилоятдаги 10 дан ортиқ жамоа-ширкат хўжаликлари ва 36 та фермер хўжалиги оталиққа олинган бўлиб, уларда амалий тажрибалар ўтказилаётир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлигини муҳофаза қилиш, даволашнинг замонавий усулларини қўллашда олимларнинг хизмати беқиёсдир. Республика шошилинч тиббий илмий марказининг Қашқадарё филиали, республика акушерлик гинекология илмий текшириш институтининг вилоят бўлими олимлари ва шифокорлар оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида фаол иш олиб бормоқдалар.

Фан билан амалиётнинг алоқаси мустаҳкамланаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. «Қаршитермопласт заводи учун маҳаллий гидрофоб бўри ўрнини босадиган хом ашё манбасини яратиш, Қарши чўли шароитида ғалладан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган бугдой навларини етиштириш, чорвачиликда ишлатиладиган кам госсиполли пахта шроти ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш, «Шўртаннефтгаз» шўъба унитар корхонасида керамик понтонларни саноат синовидан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича илмий-техникавий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди.

— Қашқадарёнинг катта нефт ва газ заҳираси, табиий бойликларини мамлакат манфаатлари йўлида хизмат қилдириш жиддий илмий изланишларни тақозо этади, — дейди вилоят ҳокимияти фан ва техника маркази раҳбари Йўлдош Бобожонов. — Олимларимиз маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш лойиҳалари устида изланмоқдалар. Бу борада вилоят корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, бирлашмалар ва касаба уюшмалари билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Ҳ.ИЗЗАТОВ.

Ёш авлод камолоти йўлида қилинаётган меҳрибонлик, туб ислоҳотлар туфайли касб-ҳунар таълими тизимида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Илгари эътибордан четда қолган билим юртлари ҳам жаҳон андозаларига мос тарзда қайта таъмирланмоқда, жиҳозланмоқда.

ФАРЗАНДИМИЗ БИЗДАН БАХТЛИ, БИЛИМЛИ

И. ҲАСАНОВ олган сурат.

Булунғур туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи 1971 йилда ҳунар билим юрти сифатида фаолият бошлаганди. Республикамиз мустақиллиги йилларида, мазкур таълим масканининг моддий негизи ҳам, таълим жараёни ҳам янги шакл, янги мазмун касб этди.

Коллежда қишлоқ хўжалик машиналарини бошқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, фермер-ўсимликшунос, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, вино саноати мутахассислари тайёрланади. Асосан узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган Булунғур туманида бу тоифа мутахассисларга эҳтиёж катта. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг чуқурлашуви бу талабни янада оширмоқда.

— Бияким юртимиз коллежга айлантирилгандан сўнг ўқув моддий-техникавий имкониятлар жуда ҳам яхшиланди, - дейди коллеж директорининг ўринбосари Раимқул Хўжамуродов. — Ўқув ва амалий машғулотларда фойдаланиш учун янги «Отайўл» юк машинаси, МТЗ-80 трактори ва «Тико» автомобилига эга бўлдик. Махсус фан кабинетлари кўргазмали ускуналар, жиҳозлар, воситалар билан бойитилди. Япония билан тузилган шартнома асосида бошланган ҳамкорлик янги ва катта имкониятларни очмоқда. Шу туфайли хорижлик ҳамкорларимиз томонидан коллежимизга ўқув электрон-алоқа ускуналари ҳадя этилди. Фан кабинетларига телевизорлар ўрнатилса, дарс жараёнини муттасил кузатиш, узоқдан бошқариш мумкин бўлади. Техникавий таъминланиш янги педагогик технологияни қўлланиш жараёнини тезлаштиради, албатта. Япония билан ҳамкорлик самараси ўлароқ яқин келажакда коллежга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ускуналар, мини-заводлар, мини-омборлар келтирилиши мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, коллежда ўқув хўжалиги мавжуд бўлиб, жами 13 гектар ерда узум, помидор, ғалла, беда, сабзавот, картошка етиштирилади. Экинлар парвариши жараёнида талабалар деҳқончилик сирларини, техникани ишлатишни амалда ўрганишади. Олинган даромад эса коллежнинг ўқув-моддий негизини мустаҳкамлашга, ўқитувчилар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланади. Шу билан бирга ширкат ва фермер хўжаликлари, аҳолига кўрсатаётган техника хизматидан келаётган фойда ҳам юқоридаги каби мақсадларга йўналтирилаяпти.

Талабаларнинг дарсдан бўш вақтлари ҳам мазмунли ўтмоқда. 150 ўринли ётоқхона, кутубхона, маънавият-маърифат хонаси, спорт иншооти талабалар ихтиёрига бериб қўйилган. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларнинг самараси юқори. Шунинг натижасида коллежнинг бадиий ва фольклор ансамблари турли даражалардаги кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Олис бир қишлоқда жаҳон андозаларига мос таълим масканининг мавжудлиги ёшларимизга кўрсатилаётган эътибор намунасидир.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҲУНАРМАНДЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Қарши шаҳар ҳокимлигининг меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташаббуси билан ишсиз юрган ёшлар ва хотин-қизларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида уч ойлик курслар ташкил этилган эди. Яқинда шаҳарнинг Равоқ, Қарлиқхона, Бузрукобод, Бўстон, Ойдин, Нефтчилар маҳаллаларидаги шундай курсларни 43 нафар йигит-қиз битириб, гувоҳнома олди. Улар сандиқсозлик, зардўзлик, кандакорлик, каштачилик ҳунарларини эгаллади.

Йилнинг иккинчи ярмида эса яна 50 нафар йигит-қизга ҳунар ўргатиш мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Коллежлар 50 тага етди

Сурхондарё вилоятида янги ўқув йилидан бошлаб 50 та касб-ҳунар коллежи ва 2 та академик лицейда 27 минг 875 ўқувчи таълим-тарбия олади, касб-ҳунар ўрганади.

Вилоятда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Улар замонавий ўқув техникаси билан жиҳозланмоқда. Янги ўқув йилида вилоятда учта коллеж ишга туширилади. Булар Термиз туманидаги педагогика, Ангор туманидаги маиший хизмат, Олтинсой туманидаги қишлоқ хўжалиги коллежларидир.

ЧИННИ ЖИЛОСИДА ВАТАН ТИМСОЛИ

«Қувасойчинни» ҳиссадорлик жамиятида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан ўзига хос совғалар туркуми ишлаб чиқарилмоқда. «Совға», «Мухтасар», «Истиқлол» деб номланган пиёла, чойнак, коса, лаган, ваза каби чинни буюмлар мажмуаси тайёрланиб, истеъмолчиларга жўнатилмоқда. Буюмлар замонавийлиги, бежиримлиги билан ажралиб туради.

- Бир неча ойдан буён улуғ байрамимиз руҳини акс эттирувчи янги маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмиз, - дейди рассомчилик устахонаси раҳбари Нина Хайдукова. - Мақсадимиз ўтган ўн йил давомида эришилган улкан ютуқларни, Ватанимиз чинни буюмлар жилосида намоён этишдан иборат.

«Ишонч» фош этади

Халол меҳнатнинг оши тотли бўлади. Бугун ишлаб чиқаришнинг қайси жабҳасига назар ташламанг, яратувчилик, ишбилармонликка кенг йўл очилганлигининг гувоҳи бўласиз. Иқтисодиётимизнинг янада равнақ топиши ва ҳаётимизнинг бекаму-кўст бўлиши учун кичик ва ўрта бизнес субъектларини ҳар қандай бюрократик тўсиқлардан ҳимоя этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш шу куннинг долзарб масаласига айланган.

ТЎСИҚ

Эндиликда тадбиркорлик йўлини тутиб ҳам ўзи, ҳам атрофдагиларга наф келтириб, сидқидилдан елиб-югураётганлар кўп. Аммо коса тагида нимкоса, деганларидек, тадбиркорлик ниқоби остида ўз манфаатини кўзлаб, амалдаги қонунларга риоя этмасдан иш юритаётганлар ҳам афсуски, учраб турибди. Тараққиётга тўғаноқ бўлаётган ана шундай салбий ҳолатларни бартараф этишда хўжалик судлари кўраётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераяпти.

Бир мисол. Уйчи туманидаги «Супермаркет» хусусий корхонаси бошлиғи Т.Жўраев дастлаб тадбиркорлик қиламан, деб тегишли ташкилотларга мурожаат этганида унинг талаби ҳеч бир тўсиқсиз қондирилганди. Орадан кўп вақт ўтмай бу тадбиркорнинг сохта ишлари кўринди-қолди. Таҳлилларда у вазифасини суиистеъмол қилганлиги ва ўз манфаати йўлида давлат хазинасига тўлаши керак бўлган 7 миллион сўмни яшириб келгани маълум бўлди. Аммо қинғир ишнинг қийиғи, қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Одил суд унинг ғирром фаолиятига чек қўйди.

Бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қариялик пенсияси, нафақаларни эгаларига ўз вақтида етказиб беришда ҳамда иқтисодиётимизда тўлов тушумларини барқарорлаштиришда давлат солиқ идораларининг саъй-ҳаракатлари муҳим ўрин тутади. Улар сохта тадбиркорларни фош этиб, қонун устуворлигини таъминламоқдалар.

Наманган шаҳридаги «Мулла Ҳакимжон» хусусий фирмаси раҳбари Х.Лутфуллаев ана шундай учарлар сирасидан экан. Унинг ўз фойдасини кўзлаш, давлатга қимматга тушди. Айни пайтда у суд ҳукми билан 13 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Жорий йилнинг олти ойлик якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда унинг аҳамиятини тушуниб етмаслик, тадбиркорлик соҳасининг ҳозиргача ҳам коррупция тазйиқидан, ҳуқуқ, назорат, текширув ва тафтиш тузилмаларидаги айрим мансабдорларнинг ўзбошимчаликларидан ишончли ҳимоя қилинмаётгани ҳақида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилганди.

Шуни таъкидлаш жоизки, вилоят хўжалик суди саъй-ҳаракати билан тадбиркорлик йўлида тўғаноқ бўлаётган кўпгина тўсиқларга барҳам берилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳақ-ҳуқуқи поймол этилаётганлигини билдириб, 624 субъект ариза билан мурожаат этганди. Таҳлиллар жараёнида уларнинг аксарияти ўз тасдиғини топди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги тизимида фермерлар фаолиятига ортиқча аралашувлар, уларни ҳуда-беҳуда расмий идораларга чақириб, сарсон қилиш ҳоллари, шунингдек, фермер ҳисобидаги маблағларни бошқа соҳаларга мажбурий жалб этиш иллати илдиз отганлиги ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида кўриб чиқилганида маълум бўлди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунида фермер хўжаликларининг фаолиятига ноқонуний аралашиш мумкин эмаслиги, шартнома ва бошқа ҳужжатларни тузишда улар эркин эканликлари алоҳида бандларда белгилаб қўйилган. Лекин айрим ташкилотлардаги мутахассислар бу қонундан яхши хабардор бўлсаларда, негадир ўзларини билмасликка оладилар. Қаранг, хўжалик судининг аралашуви билан тадбиркор субъектлар фойдасига 96,5 миллион сўм ундириб берилди.

Қонун бузилиш ҳолатлари қайта такрорланмаслиги ҳамда кичик ва ўрта бизнесни янада такомиллаштириш, уларни янги қонун-қоидалардан бохабар қилиш мақсадида республикада биринчи бўлиб Олий хўжалик судининг хўжалик ҳуқуқи Наманган филиали ўқув-маркази ташкил этилди.

Кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида вилоятда ибратли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Аммо бу масъулиятли ишни янада ривожлантириш учун вилоят хўжалик суди олдида кўндаланг бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, туманларда хўжалик судларини тузиш, ҳеч бўлмаганда туманлараро хўжалик судларини ташкил этиш лозимга ўхшайди. Зеро, хўжалик юритувчи субъектлар ўзларини қизиқтирган айрим масалалар учун вилоят марказига келиб-кетгунича кўп вақт йўқотаяпти. Тадбиркорнинг эса вақти ҳисоб-китобли.

М.МУҲИДДИНОВ,
Наманган вилоят хўжалик суди раиси.
А.ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ – ТАРБИЯ МАКТАБИ

Мустақил давлатимиз ўтказаётган ижтимоий сиёсат самарадорлигини ошириш, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишда жамоатчилик маркази муҳим ўрин тутади.

«Нуроний» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими жойлардаги жамоатчилик марказлари ишини мақсадга мувофиқ тарзда йўлга қўйишда муайян тажриба тўплади. Шу тажрибани оммалаштириш мақсадида республика ҳудудий семинар-кенгаши ўтказилди.

Анжуманда «Нуроний» жамғармаси Наманган вилоят бўлими раиси М.Маматов «Наманган вилоятида фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида», «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси, вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси Р.Акрамов «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг ногиронлар, ёлғиз кексалар ва меҳр-мурувватга муҳтож фахрийларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашдаги ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида», вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари С.Нодиров фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш хусусида маъруза қилдилар. «Нуроний» жамғармаси туман бўлимлари раисларидан С.Рафиқов (Чортоқ), И.Дадажонов (Чуст), Б.Жалилов (Боғдод) ва бошқалар жамоатчилик марказлари билан ишлаш тажрибалари ҳақида сўзладилар. «Нуроний» жамғармаси Фарғона вилояти бўлимининг раиси У.Бегматов, Андижон вилояти бўлимининг раиси Т.Топиболдиев фаолиятни кучайтириш борасидаги таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Чортоқ туманининг қатор маҳаллалардаги жамоатчилик марказлари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Илғор тажрибалар эндиликда оммалашмоқда.

С.ИСМОИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Барча юртдошларимизни, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшаётган муаллим ва мураббийларни, олиму фузалоларни энг қадрли, энг ардоқли байрамимиз — Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги билан самимий табриклайди!

Серқуёш ва серфайз юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳамиша барқарор бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон халқини ва барча соҳа ходимларини Республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллиги байрами билан чин қалбдан муборакбод этади!



Юртимиз узра Озодлик қуёши мангу порлайверсин!

Шукрона

— Кудратингдан айланай, Худойим, шундай кунларга етказдинг-а?! Озодликнинг нафаси бу! - Ҳар сафар Қамбар отани йўқлаб борсам, ундан шунга ўхшаш сўзларни эшитаман. - Ўн йил ичида қишлоғимиз қайта қурилди, десам ёлғони йўқ. Эски, хароба, лойсувоқ уйлар ўрнида замонавий бинолар қурилди. Қишда тизза бўйи лой, ёзда чанг-тупроқ йўллар кенгайди. Тезак ёқиб кун кўрган ҳамқишлоқларимиз хонадонида гуруллаб газ ёнди. Ҳар икки хонадоннинг бирида машина, узоқлар яқин, кўнгиллар эркинликдан ёшарди.

ОЗОДЛИКДА ЁШАРДИК, БЎТАМ

Эс-эс ёдимда. Қамбар ота йигитлигида эскигина уйда қари онаси билан яшар, бу хонадонда 7 оила сиқилиб истиқомат қилар, хуллас, шунча меҳнат қилса ҳам қийналиб яшашарди. Бир уйи икки бўлмаган деҳқон эди.

Йўқ, Қамбар ота меҳнатдан қочмади. Кетмончилик қилди, сувчи, табелчи, бригадир, хатто ҳисобчи ҳам бўлди. Бир этак фарзандини оқ ювиб, оқ тараб турмуш ўртоғи Зубайда хола билан элга қўшди. Зубайда хола ҳам уйим-жойим, элим-элдошларим дейдиган оқила аёл эди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай, эрининг қабатида туриб, рўзғорнинг бир томонини кўтарди. Меҳнатдан қочмади, мол боқди, ип-игна қилди, чевар теримчи, илғор пиллакор сифатида эл ардоғида бўлди. Эрини қирқ ёшдан ўтганда сиртдан ўқитди, маълумотли қилди. Ўшанда «Э, Қамбарбой, сизга ўқишни ким қўйибди», деганлар ҳам бўлди. Аммо эр-хотин қўл қовуштириб ўтиришни ўзларига эп билишмади. Буни кўриб фарзандларининг ҳам илмга меҳри ортди. Мактабда фақат аълода ўқишди...

Отахон хотиралар исканжасида бир лаҳза оғир тин олади.

— Ўз юртимизда қул, ўз мулкимизга эга эмас эдикда. Истаганча хўрлашарди. Мактабда эса бутунлай бошқа манзара эди, «бахтиёр авлодмиз» дея шеърлар айтардик. Оёғимизда йиртиқ этик, эгнимиз юпун бўлсада, «бахтиёрмиз» деб тилдан қўймасдик. Мана боболарим орзу қилиб етолмаган, отам армон билан кутиб, кўзи очиқ кетган кунларга минг шукрки, биз етдик, фарзандларимиз бу толедан баҳраманд бўлди. Неваралар яйраб ўсаяпти.

Суҳбатга Зубайда биби қўшиладилар:

— Нимасини айтасиз, айланай, бу кунларнинг бошидан минг сув ўгириб ичсанг ҳам арзийди. Онажоним Норбибиш ая раҳматли отажонларининг дийдорига етолмай, бу дунёдан армон билан кетдилар. Ким билади бобожонимиз хоклари қаерларда қолди экан. Якка-ёлғиз тоғажонимнинг хоклари ҳам Тожикистонда қолиб кетди. «Бойни ўғли, қулоқнинг думисан», деб тоғамни бригадир даладан иш бермай, ҳайдаб юборган. Шу-шу тоғажоним ўзга элга кўчиб кетганлар. Ҳеч ким Ватандан, ёру биродарларидан жудо бўлмасин. Ҳеч нарса тинчлик, хотиржамликка етмайди. Бу бошимиз нималарни кўрмади. Бир куни онажоним сумалак пишираётган эдилар. Ҳамма хурсанд, биз қизалоқлар ўзимизча ўйнаб маза қилиб яшамоқда. Кенжа ўғлимиз — суянган тоғимиз Файзуллажонни ўқитдик, шаҳардан уйли-жойли, уловли қилдик. Ҳозир эски ҳовлимизни янгилаяпти. Буларнинг барида эркин меҳнат қувончи-завқи, шодлиги бор. Унда фарзандларимнинг пешона терларининг изи, озод меҳнатнинг даромаду буромади бор. Мустақиллик нонимизни бутлади, иймонимизни мустаҳкам қилди.

Яқинда Файзуллажон «Нексия» сотиб олди. «Ният қилганман» деб қўймай биз чол-кампирни зиёратга олиб чиқди. Олдин Баҳоуддин Нақшбанднинг оналари, етти пирларини зиёрат қилдик, сўнгра ҳазратнинг қадамжоларига бордик. Эҳ-ҳе, муборак манзиллар шундай обод, гўзал масканга айланибдики, кўриб кўзим қувнади, дилим яйради.

Йўл-йўлакай Имом ал-Бухорий зиёратгоҳини тавоф этдик. Бу муборак гўшада жаннатга тушгандек ҳис қилдим ўзимни. Ҳаммаёқ тоза, озода, соя-салқин, гулу гулзор, телевизорда кўрганинг бошқа-ю, ўз кўзинг билан кўрганинг бошқа экан. Зиёратчиларнинг кети узилмайди, чет элликлар ҳам ихлос билан бобокалонимиз қабрини зиёрат қилаяпти. Айтишларича, уч марта аллома бобомиз қабрларини тавоф этмоқ Макка зиёратига тенг эмиш. Биз ғофил бандалар эса шу ёшга кириб, аллома бобомизни энди зиёрат қилаяпмиз... Шу куни ҳазратнинг хоки пойларида туриб, чин ихлос билан мустақиллигимизнинг мангу бўлишини Оллоҳдан тиладик...

Сўнгра, Самарқандни томоша қилдик. Шунчалик гўзал шаҳарни минг-минг йиллар олдин қандай қуришган экан, деб ҳайратга тушдим. Демак, боболаримиз биздан зўр бўлган экан-да, деб ўйладим ҳатто. Аммо, Тошкентни кўриб, фикримда бироз янглишганимни сездим. Осмонўпар бинолар, муҳташам саройлар, боғу хиёбонлар, тўғриси, лол қолдирди.

Невараларим «Сайилгоҳ»га бошлашди. Олдинига бирорта байрам бўлаяпти, деб ўйладим. Кейин билсам, бу ерда ҳар куни ана шундай байрам экан. Аслида озодликнинг ҳар куни байрам-да.

Шу куни «Шаҳидлар хотираси» хиёбонига бордик. Бўзсув қирғоқларида юриб, отам руҳини ҳис қилдим. На қабри, на қадри бўлган отажонимдек бегуноҳ отилган, шаҳид кетганлар ёдига ўрнатилган рамзий қабрга бош уриб йиғладим. Бу севинч ёшлари эди. Мана орадан шунча йил ўтиб, отамни топгандай бўлдим. Юрак-юрагимдан ҳис қилдимки, минглаб шаҳид кетганлар қатори отажоним, амаким руҳлари ҳам шу манзилда мангу қарор топган. Ўғлим Файзуллажон: ҳовлимиздаги тупроқдан рўмолчасига боғлаб олиб келган экан, шу ердаги гулзорга уни сочиб юборди. Ўшанда бир сония вужудим қалтираб кетди. Барибир, шу ўғлим бошқача-да, уни бағримга босдим.

Ҳа, айтгандай, бир гапни айтиш эсимдан чиқибди. Кампирим Малик чўлидан олган бир даста ҳазорсупон (исириқ)ни ёмон кўздан асрасин, деб Тошкентнинг гўзал масканларига бир шодадан қўйиб келди. Тўғрида, шундай бепоён, гўзал, жаннат юртимизга кўз тегмасин! Мустақиллик дунё тургунча турсин. Оллоҳ доно Йўлбошчимизни ёмон кўзлардан асрасин.

Қамбар ота юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан тураркан, «усталардан хабар олай-чи, ишларини тугатишдимикан», дея ҳовлисининг қуйисида ўғли Файзулла учун қураётган иморат томон мамнун ҳолда кетди...

Амина ҚОДИРОВА,
«Ишонч» мухбири.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ЎЗ ҒАЛАБАСИНИ ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАДИ

(Боши 1-бетда)

Юнон-рум курашида гиламга чиққан спортчиларимиз кутилган натижага эриша олмади. Курашнинг бу тури бўйича Россия, Эрон, Туркия, Грузия каби кучли кураш мактабларига эга мамлакатлар вакиллари яхши натижани қўлга киритди. Юнон-рум курашчилари ўртасида кучли рақобат ҳукм сурса-да, Ўзбекистон терма жамоаси ҳам медалсиз қолмади. Ярим финалгача етиб келган ягона вакилимиз Жаҳонгир Турдиев бронза медали учун кечган беллашувда полшалик Томас Крижистовскини мағлубиятга учратди.

Юнон-рум кураши бўйича арманистонлик Роман Амоян, қозоғистонлик Асет Иманбаев, туркиялик Туфенк Шараф, озарбойжонлик Фарид Мансуров, россиялик Андрей Деманкин ва Ҳасан Бароев, эронлик Мажид Рамазоний ва Ҳошимзода ҳамда Грузия вакили Рамаз Девадзе жаҳон чемпионатининг олтин медалларини қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Россия терма жамоаси вакилларига, иккинчи ўрин Эрон ва учинчи ўрин туркияликларга насиб этди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор бутун жаҳонда эътирофга сазовор бўляпти. Хусусан, эркин ва юнон-рум кураши ҳам Ўзбекистонда жуда оммалашиб, вакилларимиз халқаро майдонлардан зафар қучиб қайтмоқда. Шу боис давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб ФИЛАнинг «Олтин Маржон» олий мукофоти соҳиби айнан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бўлгани бежиз эмас. Тошкентда бўлиб ўтган жаҳон биринчилиги эса нафақат юртимизга билдирилган юксак ишонч, балки унинг мазкур кураш турлари бўйича дунёда етакчи ўринларга чиқиб олганининг эътирофи ҳамдир.

Жаҳон чемпионати якунида давлатимиз раҳбари номига Мурожаатнома қабул қилинди. Унда, жумладан, Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ташкил этилган IX жаҳон чемпионати юқори савияда ташкил этилгани алоҳида таъкидланган. Иштирокчилар ўзбек халқининг меҳмондўстлигини ҳар дақиқада ҳис этиб турди.

Юртбошимизга йўлланган ушбу Мурожаатнома барча иштирокчилар ва томошабинлар томонидан илиқ қарши олинди.

Жаҳон чемпионатининг ёпилиш маросимида ФИЛАнинг вице-президенти Михай Биро мусобақанинг муваффақиятли ўтишида ўз ҳиссасини қўшгани учун Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситовга ФИЛАнинг «Фахрий нишони»ни тақдим этди.

Ўзбекистонлик машҳур курашчи, жаҳондаги ягона «Олтин чориғ» соҳиби Арсен Фадзаев эса ФИЛАнинг олтин ордени билан тақдирланди. Шунингдек, Ўзбекистон спорт курашлари уюшмаси бош котиби Константин Михайловга ҳам ФИЛА олтин ордени топширилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Биласизми?

СОПОЛ МЎЪЖИЗАСИ

Сопол турли ойна, монолит кристалл, майда кристаллар қурилмаси ва шу шаклларнинг ҳар хил йиғиндисини намоён эта олади. Сопол тузилишининг хилма-хиллиги, шунингдек, таркибидаги моддалар бир-бирининг ўрнини боса олиши турли хусусиятли керамик ашёларни олиш имконини беради.

Чунончи, алюминий оксиди моно кристаллига хром атоми қўшилса, ёқут кристалли ҳосил бўлади. Бу ашё лазер нурларини олишда ишлатилади.

Ўша оксидга титан атоми қўшилса, кўк ёқут ҳосил бўлади.

Алюминий оксидининг майда кристаллари йиғиндиси юқори ҳарорат ва босимга бардош бера олувчи ойна тайёрлашда ишлатилади. Эркин доначалар шаклидаги алюминий оксиди корунд деб номланади ва у қаттиқ абразив ашё бўлиб, силикат ойна асосига қўшиш натижасида электр ҳимоялагич ашёлари олиш ва ўта мустаҳкам ашё тайёрлаш мумкин.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Ёз гашти ўзгача

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ

Доимий эътибор ва меҳрибонликни чуқур ҳис этиб яшамоқдалар

Баркамол ва соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, бу йил Тошкент вилояти ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳам ҳукумат Қароридан келиб чиққан ҳолда ўз тасарруфидаги 5 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи ва 1 та санаторий-профилакторийда 2100 нафарга яқин оролбўйилик ўғил-қизларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклашлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берди. Мазкур оромгоҳларнинг 4 таси санаторий типидадир.

Вилоят тармоқ қўмитасига қарашли «Чимён» болалар соғломлаштириш оромгоҳида биринчи навбатда 470 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқарган бўлса, уларнинг 157 нафари қорақалпоғистонлик, 40 нафари хоразмлик болажонларни ташкил этди. Оромгоҳнинг 3-навбатида эса тармоқ ходимларининг 362 нафар фарзанди билан бирга 223 нафар Оролбўйи ҳудуди ўғил-қизлари дам олиб, саломатликларини тикладилар. Бўстонлиқ туманининг хушманзара ва баҳаво ҳудудида жойлашган «Хумо» болалар соғломлаштириш оромгоҳида мавсумнинг уч навбатида 507 нафар, «Оқ елкан»да 291, «Қоинот»да 305нафар, «Кимёгар»да 2-навбатда 181нафар, 3-навбатда 193 нафар Қорақалпоғистон ва хоразмлик ўғил-қизлар мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

«Чирчиқэлектрокимёсаноат» санаторий-профилакторийси ҳам оролбўйилик болажонларга ўз қучоғини очди. Бу ерда уларнинг 182 нафари ҳордиқ чиқариб, саломатлигини тиклади.

Ушбу оромгоҳлар ва санаторий-профилакторий учун вилоят тармоқ қўмитаси касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 4 миллион 400 минг сўм, ижтимоий суғурта маблағларидан эса 34 миллион сўм ажратди.

— Ҳар бир оромгоҳ зарур тиббиёт воситалари билан тўлиқ таъминланган, — дейди Тошкент вилояти ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Мавжудахон Халилова. — Йўлланма нархининг 50 фоизи ижтимоий суғурта, 20 фоизи касаба уюшма маблағлари, 20 фоизи эса хўжалик, ташкилотлар томонидан қопланиб, ота-оналар фақат 10 фоизини тўлайдилар, холос. Оролбўйи болалари эса бепул дам олдилар. Бу меҳнаткашларга, айниқса, кам таъминланган, кўп болали оилаларга катта мадад бўлди. Шунингдек, вилоят тармоқ қўмитаси томонидан оромгоҳлар учун 251 минг сўмлик бадиий адабиётлар, Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид китоблар ва бошқа зарур қўлланмалар олиб берилди.

«Ўзбеккимёмаш» очиқ акциядорлик жамиятининг «Хумо» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 20 гектарли ҳудудга жойлашган бўлиб, 13 гектари мевазор боғдан иборат. Сўлим боғда етиштирилган сархил мева-чевалардан болажонлар ҳар куни тўйиб истеъмол қиладилар. Озиқ-овқат маҳсулотлари эса «Завод ишчилар таъминоти» ташкилоти орқали пешма-пеш етказиб берилади. Шунинг учун ҳам «Хумо» таомлари ҳамиша лаззатли ва сифатлидир.

Бундан ташқари, иккита сув ҳавзаси, футбол, волейбол, баскетбол майдони, стол тенниси болажонлар ихтиёрида.

— Оромгоҳнинг тиббиёт бўлимида биз учун физиотерапия муолажалари, уқаловчи мутахассис, фитобар хизмат қилмоқда, — дейди Қўшкўпир туманидан келган ўқувчи Ирода Бобониёзова. — Айниқса артезиан қудуғи орқали олинадиган шифобахш сув саломатлигимизни тиклашга ёрдам берди. Биз учун яратиб берилаётган бундай шарт-шароитлар учун ҳукуматимиздан, касаба уюшмаларидан миннатдормиз.

Вилоят тармоқ қўмитаси мазкур оромгоҳнинг 1300 та китоб жамғармасига эга бўлган кутубхонасини 50 минг сўмликдан зиёд турли бадиий ва лотин тилидаги адабиётлар, 200 минг сўмлик телевизор билан таъминлади. Шунингдек, «Ўзбеккимёмаш» очиқ акциядорлик жамияти томонидан оромгоҳга 2 миллион сўмлик кўрпа-тўшак жилдлари, 1 миллион 600 минг сўмлик идиш-товоқлар олиб берилди.

Оромгоҳларда ўтган бу кунлар оролбўйилик болажонларнинг ёдида бир умрга сақланиб қолади.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Андижон вилояти касаба уюшмалари Кенгаши «Ҳимоя» газетаси муҳаррири Шукрулло Неъматовга отаси

Мадамин НЕЪМАТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тиббиёт огоҳлантиради

Ҳозир ғарқ пишиқчилик даври. Катталар ҳам, болалар ҳам табиат инъомларидан тўйиб бахраманд бўлмоқдалар. Лекин кўпчиликка маълумки, яхши ювилмаган, тозаланмаган мевалар ва полиз махсулотларини пала-партиш истеъмол қилиш турли ўткир ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

КЎЧА БЎЙЛАРИДА АЙРОН...

Бу касалликларнинг ёз ойларида кўпайишига яна бир сабаб кейинги пайтларда кўча бўйларида, хонадонларнинг олдида ёш болалару катталар қўлбола тайёрланган айрону сувдан тортиб, хасипу норингача сотиб ўтиришади. Уларнинг қай аҳволда тайёрланганлигини кўпчилик кўз олдига ҳам келтиролмаса керак. Акс ҳолда бу маҳсулотларни ўйлаб истеъмол қилган бўлардилар.

Бундан ташқари, куннинг иссиқ пайтларида нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам дуч келган жойларда — фонтанларда ва ҳатто кўлмак сувларда чўмилаётганликларини кўрамиз. Бундай туриб қолган сувлар у ёқда турсин, оқар сувларда ҳам ёз ойларида турли микробларнинг кўпайишини ҳисобга олсак, бу ҳол қанчалар хатарли эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлади. Шунинг учун махсус ажратилган жойлардагина чўмилиш лозим.

Ўткир ичак касалликлари айниқса 1 ёшгача бўлган болалар ўртасида кўп учрайди. Бунга оналарнинг ўзи ҳам сабабчидир. Чунки, баъзи аёллар болаларни Аллоҳ инъом этган кўкрак сути билан боқмай қўйдилар. Чақалоқ 2-3 ойлик бўлмасиданоқ унга турли сутли овқатлар бера бошлайдилар. Айрим оналар бу овқатларни эрта билан бирваракайга бир кунлигини пишириб, кечгача уни иситиб бераверадилар. Табиийки, бундай таомни еган болалар ўткир ошқозон-ичак касаллигига дучор бўладилар.

Касаллик кўпинча тўсатдан бошланади. Беморда кўнгил айниб, қусиш, ич кетиш кузатилади, баъзан қоринда оғриқ қўзғаб, ҳарорат кўтарилади. Касаллик айниқса ёш болаларда ва қарияларда оғир ўтади. Ёш болаларда умумий ҳолсизланиш, кўпинча шайтонлаш, қарияларда эса ҳолсизланиш билан бирга қон босимининг пасайиши, юрак фаолиятининг бузилиши кузатилади. Халқимизда «Ич кетди — куч кетди» деган ибора бор. Зеро, беморга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилмаса, у нохуш ҳолларга олиб келиши мумкин. Бу бир огоҳлантириш. Чунки, кўпчилик ўткир ичак касаллигини арзимас ич бузилиши деб ўйлайди, ўзича дори-дармон қилган бўлади. Натижада беморнинг аҳволи оғирлашиб, организмда сувсизланиш ҳолати, турли аъзолар фаолиятининг бузилиши бошланади.

Ёдда тутинг, ўткир ичак касаллиги билан оғриган беморлар, айниқса, ёш болаларни ўз вақтида шифохоналарга олиб борилиши керак. Чунки, ҳар бир шифохонада беморларни қабул қилиш бўлимлари қошида кузатиш пунктлари ташкил қилинган бўлиб, бемор 2 соат ичида мунтазам равишда кузатув остида бўлади. Агарда ичирилган минерал тузли шифобахш суюқликлар таъсирида боланинг аҳволи яхшиланса, уйига жавоб бериб юборилади.

Ёз — камолот фасли. Худди шу пайтда мева-чевалар, полиз экинлари инсон организми учун зарур витаминларга тўлиб-тошади. Фақат уларни истеъмол қилишда санитария-гигиена қоидаларини унутманг. Қайнатилмай истеъмол қилинган сув кўпинча касаллик келтириб чиқаришини эсда тутинг.

Р.ЧЎЛПОНОВА,
Саломатлик институти бўлими бошлиғи.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.55

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2624. 1 2 3 4 5 6